

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

210 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташқил этиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қаро- рига қўшимчалар киритиш ҳақида

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг бетакрор ижодий меросини халқимизга етказиш, ёш авлодни халқимиз маданияти тарихи билан ғурурланиш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Бадий академиясининг фаолиятини ташқил этиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартдаги 131-сон қарорида:

а) қарорга 1-илованинг III бўлими 10-бандига қуйидаги мазмундаги хат-боши қўшилсин:

«— Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи»;

б) қарорга 2-иловага қуйидаги мазмундаги 14-банд қўшилсин:

«14. Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 28 июнь,
127-сон